(1614- Балх -1681)
(1645-1680)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. Бухоро хони Надрмухаммадхоннинг ўгли. 1626-йилдан Хутталон хокими, 1630-йилдан Балхнинг гарбий туманлари хокими, 1645-йилда бир гурух фитначи амирлар отаси Надрмухаммадхоннинг пойтахтда йўклигидан фойдаланиб Абдулазизни Бухоро хонлиги тахтига ўтказган. У марказий хокимиятни мустахкамлашга харакат килган, мамлакат ободончилигига бирмунча хисса кўшган. Бухорода кўпгина мухташам бинолар курдирган (Абдулазизхон мадрасаси -1652-йилда курилган ва б.).